

---

## “ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ!”

Бугун шаҳримиздаги 9-сонли Болалар Муסיқа ва санъат мактабида шаҳар Маданият бўлими томонидан “Истеъдодларни излаймиз” номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда шаҳримиздаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган бадий ҳаваскорлик тўғараклари аъзолари ҳамда иқтидорли йигит-қизлар иштирок этди.

Танловни шаҳар ҳокими маслаҳатчиси А.Анваров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Муҳтарам Юртбошимиз томонидан истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга ҳар томонлама яқиндан кўмак кўрсатиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этиб ўтди.

Иштирокчиларнинг бадий чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари одилона баҳолаб бордилар.

Танлов якунида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ўқувчи-ёшлар шаҳар ҳокимлиги ҳамда Маданият бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

2020-02-27 15:59:51